



УУК:619.616.989.2.75

ҚУЁНЛАР ПАСТЕРЕЛЛЁЗИНИ ДАВОЛАШДА АНТИБИОТИКЛАРНИНГ ЎРНИ

Н.А.Набиева в.ф.ф.д., кичик илмий ходим

Ветеринария илмий-тадқиқот институти, Самарқанд, Тайлоқ,

nivi@vetgov.uz

Аннотация: Қуёнчилик хўжаликларида спонтан пастереллёз бўлган қуёнларни даволашда, лаборатория шароитида, агарли диффуз усулда танланган антибиотиклар билан даволашда, жами 249 бош қуёнларга 4 хил антибиотик қўллаб даволаш самарадорлиги ўрганилди ва тадқиқотлар натижасида қуёнлар пастереллёзини даволашда энг самарадорлиги юқори антибиотиклар Нитокс-200 92 % ни ва Пенстреп-400 эса 85 % натижани қайд этганлиги аниқланди.

Аннотация: При лечении кроликов со спонтанным пастереллезом в кролиководческих хозяйствах в лабораторных условиях изучали эффективность лечения 4-мя различными антибиотиками, при лечении 249 кроликов подобранными антибиотиками методом диффузии в агар и в результате исследований наиболее эффективными антибиотиками при лечении пастереллеза кроликов были Нитокс-200 92% и Пенстреп-400 и было определено, что 85% результатов были зафиксированы.

Annotation: In the treatment of rabbits with spontaneous pasteurellosis in rabbit farms, the effectiveness of treatment with 4 different antibiotics was studied in laboratory conditions, in the treatment of 249 rabbits with selected antibiotics in the agar diffusion method, and as a result of the research, the most effective antibiotics in the treatment of rabbit pasteurellosis were Nitox-200 92% and Penstrep-400. and it was determined that 85% of the results were recorded.

Калит сўзлар: пастереллёз, қуён, хўжалик, антибиотик, диффуз, агар, самарадорлик, лаборатория, фоиз, қуёнчилик.

Тадқиқотнинг долзарблиги: Дунё миқёсида қуёнлар пастереллёзининг эпизоотологияси, клиникаси, патологоанатомияси, гематологияси, гистологияси ҳамда касалликни даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича кенг қўламли тадқиқотлар амалга оширилган. Сўнгги йилларда соҳа мутахассислари томонидан қуёнлар пастереллёзида қондаги биокимёвий ўзгаришлар ўрганилмоқда. Ҳозирги кунда энг тезкор аниқ диагностик услублар: иммунофермент таҳлил (ИФТ) ва полимераза занжир реакцияси (ПЗР), бактериологик текшириш

усулларидан фойдаланиб ташхислаш ҳамда касалликни келтириб чиқарувчи омилларга қарши кураш чора-тадбирлари борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамизда чорвачиликнинг муҳим тармоғи бўлган қуёнчилик соҳасини ривожлантириш бўйича тизимли тадбирлар йўлга қўйилган бўлиб, хориждан келтирилган насли қуёнлар бош сонини кўпайтириш, уларни маҳсулдорлигини ошириш, аҳолини экологик тоза парҳез гўшт, жун ва мўйна маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида соҳа мутахассислари қуёнларнинг инфекцион ва юқумсиз касалликларига ўз вақтида диагноз қўйиш ҳамда қарши кураш чора-тадбирлари бўйича сезиларли илмий ва амалий ишларни амалга оширмоқдалар. Бу борада, қуёнлар пастереллёзи патоморфологик диагностикаси бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар, шунингдек, унинг олдини олиш ва даволашда антибиотиклар самарадорлигини ўрганиш ҳамда уларни ветеринария амалиётига тадбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.


Материал ва методлар: Қуёнлар пастереллёзини даволаш бўйича илмий тадқиқотларни Ветеринария илмий-тадқиқот институтининг Ёш моллар касалликларини ўрганиш лабораториясида ва ўрта хўжаликда олиб борилди бунинг учун дастлаб лаборатория шароитида диффуз усулда антиботикка сезувчанлик ўрганилиб, антибиотиклар танлаб олинди.

Даволаш самарадорлигини ўрганишда жами 249 бош пастереллёз бўлган қуёнларни 4 гуруҳга ажратиб тадқиқотлар олиб борилди. Бунда Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманидаги 150 бош 1 ва 2 тажриба гуруҳ қуёнларига Нитокс-200 ҳамда Энротим 5% қўлланилди ва Жиззах вилояти Шаввотсой хўжаликдаги 24 бош қуёнларга биомидин қўлланилди. 4 гуруҳ Ёш моллар касалликларини ўрганиш лабораторияси вивариясидаги 75 бош қуёнларга Пенстреп-400 қўлланилди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили: Антибиотикларни диффуз усулда текширилганда Бунинг учун тўрт хил антибиотиклар танланди. Гўшт пептонли агарда (ГПА)да ўсган пастереллани бир кунлик культурасини, янги тайёрланган Петри ликопчасидаги қонли агар асоси озуқа муҳити юзасига 1 мл петли билан суртилди ва термостатга 20-40 дақиқа қўйилди ва антибиотик шимдирилган қоғозли дескарни устига 2 см оралиқ билан қўйилди. Антибиотиклар турлари Нитокс-200, Пенстреп-400, Биомидин, ва Энротим 5% лар. Кейин ушбу экмани 16-18 соат 37 °C ҳароратдаги термостатга қўйилди.

Натижада биомидин препарати 15 ммдан паст натижани ташкил қилди, бу пастереллаларга сезгирлиги паст. Энротим 5 % антиботик 15 мм ни

ташқил қилди, пастереллага сезгирлиги паст. Нитокс-200 20-25 ммни натижани қайд этди сезгирлиги юқори эканлиги аниқланди. Пенстреп-400 антибиотик 18 ммни ташқил этди ўртача сезгирлиги аниқланди (1 расм).



1-расм. Антибиотик сезгирлиги Қонли агар асосида

Илмий тадқиқотлар давомида “Наслчик қуёнчилиқ” хўжалигидаги 1-гурух қуёнларга Нитокс-200 дан 0,2 мл 3 кун давомида кунига бир маҳалдан, 2-тажриба гуруҳдаги қуёнларга 5% ли Энтротим антибиотиғи 0,2 мл миқдорида 3 кун давомида мушак ичига қўлланилди. 3-гурухдаги Жиззах вилоятидаги Шаввозсой қуёнчилиқ фермер хўжалигидаги пастереллез бўлган 24 бош қуёнларга биомицин 40-50 минг Халқаро бирликда мушак ичига кунига 2 марта, 3 кун давомида, 4-гурух Ёш моллар касалликларини ўрганиш лабораториясидаги 75 бош қуёнларга Пенстреп-400, 0,2 мл миқдорида 3 кун давомида қўллаб борилди. Даволаш давомида қуёнларнинг умумий ҳолати (тана ҳарорати, нафас олиши, юрак уриш ва антибиотик юборилган жой) текшириб борилди (1 диаграмма).


Ушбу 1 диаграмма натижалари таҳлилига кўра, Ушбу 9-расм натижаси таҳлилига кўра, Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманидаги 150 бош қуёнларни 2 гуруҳга 75 бошдан ажратиб, 1-тажриба гуруҳидаги 75 бош қуёнларга Нитокс-200 антибиотиғи билан 3 кун давомида даволаш олиб борилди. Даволаш давомида 75 бош қуёндан 69 бош қуён соғломлаштирилди, 6 боши пастереллездан нобуд бўлди. Самарадорлик 92 фоизни ташқил этди. 2-тажриба гуруҳидаги 75 бош қуёнларга 5% ли Энтротим қўлланилиб, даволаш самарадорлиғи ўртача 65% эканлиғи қайд этилди, унда 75 бош қуёнлардан 27 бош ўлди ва 48 бош тирик қолди.

Жиззах вилоятидаги Шаввозсой хўжалигидаги 3-гурух қуёнларга биомицин препарати сульфаниламид билан биргаликда эритма ҳолатида 40-50 минг Халқаро бирликда қўлланилганда, кунига 2 маҳалдан 3 кун даволанди.

Бунда 24 бош куёнлардан 10 боши даволанди, 14 боши ўлди. Бунинг самарадорлиги 40 фоизни ташкил қилди.

Ёш моллар касалликларини ўрганиш лабораториясидаги 4-гурух 75 бош куёнларга Пенстреп-400 дан 0,2 млдан 3 кун давомида қўлланилганда 64 бош куён тўлиқ даволанди, 11 бош куён пастереллэздан нобуд бўлди. Бунда Пенстреп-400 билан куёнларнинг пастереллэзини даволаш самарадорлиги 85 % эканлиги аниқланди.

Шундай қилиб, куёнларнинг пастереллэз касаллигини антибиотиклар билан даволаш самарадорлиги Нитокс-200 да 92 фоизни, Пенстреп-400 да, 85 фоизни Биомицин ва 5% ли Энтротимда мос равишда 40 ва 65 фоизни ташкил қилди. Бу (2- расмда) ҳам фоизларда аниқланди



**1-расм. Хўжаликлар кесмида куёнлар пастереллэзини даволашда
антибиотикларнинг таъсири**

Хулосалар:

1. Тадқиотлар натижасида куёнлар пастереллэзини даволашда 4 хил антибиотиклар самараси юқори эканлиги аниқланди.
2. Куёнлар пастереллэзини даволашда энг самарали антибиотиклар Нитокс-200 да 92 фоизни, Пенстреп-400 да, 85 фоиз эканлиги тадқиқотлар натижасида аниқланди.
3. Биомицин ва 5% ли Энтротимда мос равишда 40 ва 65 фоизни ташкил қилганлиги хўжаликлар кесмида тажрибалар натижасида аниқланди.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Романова К.И., Кузнецов В.В., Кузнецова Е.А. “Эффективное лечение пастереллеза кроликов”// ФГБОУ ВО Чувашская ГСХА Актуальные проблемы инфекционной патологии и биотехнологии Москва 2016. – С. 288-290
2. Житников Ю. Кролики: Породы, Разведение, Содержание, Уход /



Ростов-на-Дону ФЕHKC 2004.—С. 188-191.

3. Varga M. “Textbook of Rabbit Medicine”/ (Second Edition), New York 2014. – P. 390–404.

4. Velazquez O.V., Alonso F.M.U., Mendoza B.J., Talavera R.M., Lagunas B.S. “Efficacy of ciprofloxacin and enrofloxacin in the treatment of A respiratory Pasteurellosis outbreak in New Zealand rabbits”// Proceedings-8th Congress – September World Rabbit Puebla, Mexico 2004. – P. 7–10.

5. 144. Sabsabia M.A., Zakariab Z., Abua J., Faiza N.M., “Molecular characterisation and antibiotic sensitivity profile of Pasteurella multocida isolated from poultry farms in Malaysia”// Austral Juornal Veterinary Scienc. Vol 53 Malaysia 2021. – P. 121-126.